

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

---

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

АХМЕДОВА АЗИЗА КОМИЛОВНА

XX АСР АМЕРИКА ВА ЎЗБЕК РЕАЛИСТИК РОМАНЛАРИДА ИДЕАЛ  
КАҲРАМОН ОБРАЗИ

(Синклер Льюиснинг “Эроусмит” ва Пиримкул Қодировнинг “Уч  
илдиз” романилари мисолида)

10.00.06 – Қийсий адабиётшунослик, чоғнаштира тилшунослик ва  
таржиманшунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАҲЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (РФД) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2021

УДК: 821.512.133821.111(73)

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациyasi  
автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам

Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) in  
philological sciences

**Ахмедова Азиза Комилловна**

XX аср америка ва ўзбек реалистик романларида идеал қахрамонбрани  
(Синклер Льюис “Эроусмит” ва Пиримкул Қадировнинг “Уч илдиз”  
романлари мисолида).....3

**Aziza Komilovna Akhmedova**

The Image of Ideal Hero in American and Uzbek Realistic Novels of the XX  
century (in the Example of “Arrowsmith” by Sinclair Lewis and “The Three  
Roots” by Pirimkul Kadirov).....25

**Ахмедова Азиза Камилловна**

Образ идеального героя в американских и узбекских реалистических  
романах XX века (на примере романов «Эроусмит» Синклера Льюиса и  
«Три корня» Паримкула Кадырова).....43

**Эълон қиллинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....48

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

---

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

**АХМЕДОВА АЗИЗА КОМИЛОВНА**

**XX АСР АМЕРИКА ВА ЎЗБЕК РЕАЛИСТИК РОМАНЛАРИДА ИДЕАЛ  
ҚАҲРАМОН ОБРАЗИ**

**(Синглер Льюиснинг “Эроусмит” ва Пиримкул Қодировнинг “Уч  
илдиз” романлари мисолида)**

10.00.06 – Қўйсий алабийғишунослик, чоғиниғирова тилшунослик ва  
таржуманшунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (РФД) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъказида ҳуқуқдаги Олий аттестация комиссиясида В3020.3.PhD/PH187 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз ва рус (резюме)) Илмий кенгаш вебсайдосининг ([www.uzswwu.uz](http://www.uzswwu.uz)) ва "ZiyoNet" Аxbорот тиллими порталидан ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Муратова Эълмира Денисовна филология фанлари номзоди, доцент
Расмий оponentлар:	Содиқов Зоҳиджон Ёқубович филология фанлари доктори, доцент Адилова Шаҳноза Раҳимовна филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Етабачи таъхсилот:	Мирзо Удубек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат тиллари университети ҳуқуқдаги DSc.03/30.12.2019.PH/PH27.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «16» «август» соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манази: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс: (99871) 230-12-92; (99871) 230-12-91; факс: (99871) 230-12-91; email:uzswwu\_info@mail.ru)

Диссертация билан Ўзбекистон давлат тиллари университетининг Аxbорот-ресурс марказида таништириш мумкин (16 рақам билан рўйхатга олинган). Манази: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21А уй. Тел: (99871) 230-12-91. факс:(99871) 230-12-92.

Диссертация автореферати 2021 йил «24» «июль» кунин тарқатилди.  
(2021 йил «24» «июль» да 16 рақамли реестр боёномаси).

  
Г.Х.Бокиева  
Илмий даражадор берувчи илмий  
кеңашчи раиси, филол.ф.д.,  
профессор

  
Х.Б.Саманова  
Илмий даражадор берувчи илмий  
кеңашчи раиси, филол.ф.д.,  
доцент

Ж.А. Якубов  
Илмий даражадор берувчи илмий  
кеңашчи раисидаги Илмий семинар  
раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда содир бўлаётган глобаллашув жараёни замонвий адабиётшуносликда эстетик идеал категорияси каби долзарб муаммони ўрганишни тақозо этади. Эстетик идеалнинг бадний образда намоён бўлиши; ҳақиқат, эзгулик ва гўзаллик аспектиларини ифодаловчи бадний тасвир воситалари; ижодий индивидуаллик, шакл ва услуб ўзига хослиги; романтик ва реалистик тасвир методлари орқали идеал қаҳрамон образи инсон руҳиятидаги эрилишларни тафтиш этиши каби назарий муаммолар муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, Гарб ва Шарқ адабий эстетик идеалининг ўзига хос хусусиятларини қиёсий ўрганиш эстетик туйғунини шакллантириш, қаҳрамон ички дунёсини маҳорат билан очиб бериш каби поэтик мезонларни такомиллаштириш имконини беради.

Жаҳон адабиётшунослигида эстетик идеалнинг бадний тимсол билан алоқаси, унинг назарий, бадний-эстетик, аксиологик, психологик, педагогик жиҳатларига бағишланган илмий тадқиқотларда замонвий илмий назариялар илгари сурилмоқда. Аммо ушбу масаланинг мўллий ва умуминсоний хусусиятларини аниқлаш, «идеал қаҳрамон» тушунчасини ҳозирги адабий жараён нуктаи назаридан қиёсий аспектда ўрганиш мутахассислар назаридан четда қолмоқда. Шу нуктаи назардан бадний тимсолда эстетик идеалларнинг ингъикоси масаласини талқин қилиш, ижодкорнинг эзгу идеалларини қаҳрамонда маҳорат билан акс эттиришининг восита ва усулларини ўрганиш долзарб умумназарий масала ва объектив заруратдир.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда маданият, санъат ва адабиёт равнақини янги босқичга кўтаришга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, маффуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ватанпарварлик, халқ манфаатлари учун хизмат қилиш туйғуси билан ишайдиган баркамол авлод сифатида тарбияланишга қаратилган талаба-ёшларнинг маънавий-ахлоқий онгини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш»<sup>1</sup> жамиятимиз юғтилаётган идеаллардан биридир. Ушбу умумбашарий қадриятларнинг бадний ифодасини образлар мисолда талқин қилиш фанимиз олдинга тадқиқотларни жаҳон андозалари даражасига кўтариш мажбуриятини қўяди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси (ЎзР Президентининг 08.10.2019 й. ПФ-5847-сон Фармонида 1-қисми). Электрон ресурс <https://lex.uz/docs/4545884> (муражат санаси: 01.05.2021).



Фармони, 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини чоп эттириш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолитта тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодийetni ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Диссертация мавзусига алоқадор илмий ишлар кўптармоқли бўлиб, бир неча йўналишларда олиб борилган тадқиқотлар билан танишиб чиқинни тақозо этди. Тадқиқотларнинг биринчи гуруҳини эстетик идеал ва бадий тимсол масалалари ўрганилган ишлар ташкил қилди<sup>2</sup>. Иккинчи гуруҳ ишларга Синклер Льюис<sup>3</sup> ва Пиримқул Қодиров иқодининг турли аспектилари<sup>4</sup> камраб олинди. Образ яратинида реалистик ва романтик услублар синтези бўйича олиб борилган ишлар учинчи гуруҳни ташкил этди<sup>5</sup>. Ўзбек адабиёти

<sup>2</sup>Готтман Л. Р. The ideal hero in the realistic novel. PhD Thesis. Yale University, 1965.; Campbell J. L., Sr. The Ideal and the Real: A Study of the Novels and Stories of Edward Bulwer, Lord Lytton. PhD Thesis The University of Wisconsin Milwaukee, 1963. – 365 p.; Муаммадиев Н. Эстетик идеал ва нақармон. –Т.: Ўзбекистон, 1973. –32 б.; Мансуров Ш. Халқ достонларида эстетик идеал.–Т.: Ўзбекистон, 1976.; Александрова С.В. Проблема идеала в русской литературе, критике, публицистике первой половины XX века: Автореф. дисс.— док. филос. наук. –М., 2005. – С.37; Беньде Т. И. Воплощение эстетического идеала в художественном образе: Дисс. ... канд. филос. наук. – М., 1990. – 145 с.; Савченко Е. П. Стилистические средства создания лирикоэпического образа главного героя в тексте ориентала и в переводе: Дисс. ... канд. филос. наук. – М., 2013. – 188 с.; Давлатова А. Р. Михаил уйғунни дари ўзбек адабиётда эстетик идеал муаммоси: Филол. фан ном. дисс. автореф. – Т., 2011.; Хамидов У. XX аср ўзбек шеърларида идеал муаммоси // Ўзбек тили ва адабиёти, 2009, №5. – Б. 26-34.; Тулганова С. П. Индулер тимсо ва адабий нақармон муаммоси (Абдулла Қодиров иқодини масолада) Филол. фан. ном. дисс. автореф. – Т., 2019. – 70 б.; Турдиева П. Адабий эстетик идеал категориясини трансформациялаш жараёни. – Т.: «Мусот сўз», 2020. –131 б.

<sup>3</sup>Coleman A.B. The Genesis of social ideas in Sinclair Lewis. New York University, 1953. PhD Thesis. –253 p.; Overbeyn Sh. N. Sinclair Lewis social critic. PhD. Thesis. 1954. The School of Graduate Studies of Michigan State College of Agriculture and Applied Science. – P.130.; Conroy S. S. The American Culture and the Individual in the Novels of Sinclair Lewis. The University of Iowa, 1966. PhD Thesis. – P.16.; Hutchinson J. M., Pastore S. R. Sinclair Lewis and Theodore Dreiser: New letters and a reexamination of their relationship. // American literary realiam. University of Illinois Press, Fall, Vol. 32, № 1, 1999. pp. 69-81; Michels S. Sinclair Lewis and American Democracy. – Lanham : Lexington Books, 2017. – 200 p.

<sup>4</sup>Расулова А. Холерин тилини ўзбек шеърларида индрамонлар характери: Филол. фан. ном. ...дисс. – Т., 1966.; Бобоси Н. Пармисул Қодировнинг характери яратини масолада: Филол. фан. ном. ...дисс. – Т., 1972. – 165 б.; Жалилова З. Урбанистик нақармонни муштараклик ва ўзига ҳослик (П.Қодировнинг «Олмос қапир» асарини адабий тасвир масолада): Филол. фан. ном. ...дисс. – Т., 1999.

<sup>5</sup>Валеева З.А. Характер соустраствования реализма и романтического тенденций в творчестве В.Г.Короленко конца XIX начала XX веков: Дисс. ...канд. филос. наук. – Боку, 1984. – 203 с.; Қўлтқонова А. Ўзбек адабиётини замоналарини характери вақ эттириши: Филол. фан. ном. ...дисс. – Т., 1966.; Осаманова В. А. Концепция романтизма в критике В.Г. Беллинского: Дисс. ...канд. филос. наук. – М., 1984. – 190 с.; Қўлтқонова А. Реализм ва романтизм. – Т.: Г.Гулом номдаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – 236 б.

хорижий адабий намуналар билан, хусусан, насрий асарлар билан кнэсий ўрганилган тадқиқотлар мазкур диссертацияга методологик асос бўлиб хизмат қилди<sup>6</sup>. Шунингдек, С. Льюис<sup>7</sup> ва П. Қодиров<sup>8</sup> ижоди ҳақида адабиётшунослар томонидан тайёрланган рисолалар, мақолалар ва эсдаликлар ўрганилди.

Бундан ташқари, илмий назарий асослашда К. Стэнкерен, Р. Уэллек, R. Spiller, A.B. Гиленсон, Я.Н. Засурский, Л.Р. Похидняковнинг Америка адабиёти тарихи бўйича ёзилган асарлари; кнэсий адабиётшунослик бўйича Д. Дюринин, В. Жирмунский, М. Храпченко, G. Spivak, E. Miner, J. Culler, Г. Халлиева каби олимларнинг қўлланмалари ушбу тадқиқотга методологик асос бўлди. Ўзбек олимларидан Ҳ. Болтабоев, Д. Қуронов, У. Норматов, С. Мирзаевларнинг миллий романчиликимизга оид илмий қарашлари ҳамда Пиримкул Қодиров ҳақидаги илмий хулосалари диссертация ишига муҳим маъна бўлди. Лекин уларда эстетик идеалнинг назарий-методологик асос-моҳияти романлар мисолида махсус ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №И-204-4-5 «Докторантлар, мустақил ишловчилар ва талабалар ўртасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот, илмий-ижодий ишлар» илмий лойиҳасининг «Инглиз ва ўзбек адабиётининг кнэсий типологияси» (2018-2020 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Сниклер Льюиснинг «Эроусмит» ва Пиримкул Қодировнинг «Уч илдиз» романларида идеал қаҳрамоннинг муштарак ва ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилиш орқали муаллиф идеалларини бадиий тимсолга кўчиришнинг усули ва воситаларини ёритишдан иборат.

#### Тадқиқотнинг вазифалари:

идеал қаҳрамон образида муаллиф эстетик қарашлари ақс эттишини назарий асослаш;

<sup>6</sup>Қолмез А. Типология ўқинишчилар ва ўқир таълимига назарий муносабати (А.де Сен-Экзюперс ва А.Камю ижоди мисолида): Филол. фан. док. ...дисс. – Тошкент, 2007. – 237 б.; Камиллова С.Э. Развитие сюжетной линии рассказа в русской и узбекской литературе конца XX – начала XXI века: Дисс. док. филол. наук. – Тошкент, 2016. – 262 с.; Хажиева Ф.М. Биография роман жанри хусусиятлари (И. Селюс, М. Корнев ва Н. Норматов асарлари асосида): Филол. фан. бўйича фан. док. (PhD) ...дисс. – Тошкент, 2018. – 153 б.; Умарова М. Ю. Тарихий драмада бадиий вақт концепцияси (Шекспир ва Фаграт драмалари мисолида): Филол. фан. ном. ...дисс. – Тошкент, 2011. – 128 б.; Мухомед С. Глобал илмий-бадиий таълим: таълимнинг Филол. фан. доктори (DSc) дисс. автореф. – Т., 2020. – 79 б.

<sup>7</sup>Richardson L. N. *Arrowsmith: Genesis, Development, Versions. From American Literature, XXVII (May 1955), Duke University Press, pp. 225-244; Schorer M. Sinclair Lewis: An American Life. – New York: McGraw-Hill, 1961; Orebstein Sh. Sinclair Lewis. – New York: Twayne, 1962; Dooley D.J. The Art of Sinclair Lewis. Lincoln University of Nebraska Press, 1967; Casby H. S. Fighting Success. In *Twentieth Century Interpretation of Arrowsmith*, New Jersey. – P. 116; Helleberg M. M. The Paper-Doll Characters of Sinclair Lewis's *Arrowsmith*. // *Mark Twain Journal*. Vol.14, No. 2. 1968, pp.17-21; Light M. The Quixotic Vision of Sinclair Lewis. *Purdue University Press, 1975. – P. 176; Гиленсон Б.А. Америка Синклера Льюиса. – М.: Наука, 1972. – 188 с.; Михайлов М.О. Американские литературоведы о прозе XX века. – М.: Наука, 1972; Coard L. Robert Nastes in the Fiction of Sinclair Lewis // *The Georgia Review*, 1962, Vol.16, N. 3, pp.318-329.**

<sup>8</sup> Болтабоев Ҳ, Рахмолов А. Мехрига ўйрилган ақсо: Пиримкул Қодиров ижоди адиблар ва муноқишлар таълимида. – Т.: А. Илмий жамияти Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашрийоти, 2008. – Б.143; Қодиров П. Халқ таъли ва реализмга проза. – Т.: «Ифо», 1973. –165 б.; Норматов У. Ёлуқчи. – Т.: Гафур Ғуллом номидagi Адабиёт ва санъат назарияси, 1982. – 365 б.

ҳар иккала ижодкорнинг дунёқараш, ҳаётий тажрибаси, бадний диди, ижтимоий-маънавий эҳтиёжлари каби эстетик қарашларнинг образлар орқали ифодалаш усули ва воситаларини аниқлаш;

ёзувчиларнинг реалистик романда идеал қаҳрамон характерини яратишда қўллаган ўқиш бадний усулларини киёслаш ва изоҳлаш;

С. Льюис ва П. Қодиров ижодида идеал қаҳрамон образини яратиш эҳтиёжини вужудга келтирган ижтимоий-тарихий омилларни таҳлил қилиш;

реалистик романиларда муаллифларнинг характер яратиш маҳоратида намоён бўлган ўзига хос хусусиятларни очиб бериш;

«Уч илдиш» романининг янги наърида қаҳрамонлар тимсолида содир бўлган ўзгаришларни ёритиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Синклер Льюиснинг «Эроусмит» ва Пиримкул Қодировнинг «Уч илдиш» реалистик романилари танланган.

**Тадқиқот предмети**ни ўзбек ва америка адабиётида яратилган идеал қаҳрамон тимсолининг муштарақ ва ўзига хос жиҳатлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида киёсий-типология, биографик, чоғиштирма, аксиология таҳлил усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

эстетик идеал категориясининг ҳақиқат, эзгулик ва гўзаллик аспектиларини ифодаловчи тасвир воситалари, поэтик усуллар, ижодий индивидуаллик, бадний шакл ва услуб ўзига хослиги муаммолари америка ва ўзбек адабиётшунослиги бадний мезонлари контекстида киёсий-типология ёндашув орқали тадқиқ этилиб, идеал қаҳрамон ёзувчининг фалсафий мушоҳадалари ва эстетик қарашларини мужассам этган тимсол эканлиги аниқланган;

идеал қаҳрамон образини яратишда ҳақиқатни излаш мотиви, бадний тасвир методи, персонаж ичкида романтик пафос; психология, характерлараро, қаҳрамон ва муҳит конфликтлари ҳамда сюжет қурилишидаги типология бадний усули ва воситалар макрокомпаративистика тамойиллари доирасида илмий-назарий жиҳатдан далилланган;

бош қаҳрамонда реалистик ва романтик метод унсурларининг уйғунлиги, умумбашарий ва миллий қадриятлар етакчилиги ва ушбу муштарақликлар типологияси ижтимоий-тарихий ҳамда адабий-эстетик асосда ўзбек ва жаҳон адабиётшунослиги назарий тушунча ва тамойилларига таяниб изоҳланган;

Ғарб ва Шарқ поэтик тафаккури тадрижида Шарқ адабиётшунослиги тарихидаги адабий мезонлар билан жаҳон илм-фанидаги самарали усулларни уйғуллаштирган ҳолда Синклер Льюис ва Пиримкул Қодировнинг эпик қаҳрамон яратиш маҳорати, муштарақ ва фарқли жиҳатлари роман жанри контекстида очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

«Эроусмит» ва «Уч илдиш» романиларидаги образларга нисбатан «идеал қаҳрамон» атамаси қўлланилган ва унинг моҳияти, гўзаллик, эстетик



муаммалликнинг юксак даражаси ҳақида ҳис этиладиган аниқ-тимсолий шаклда акс этувчи тасаввурлар йиғиндиси эканлиги изоҳланган;

эстетик идеалнинг бадний образга кўчиш, яъни олам ва одамнинг мангу муаммолари, инсон фель-атвори, ҳаётнинг мазмуни ва моҳиятини образли тизда акс эттириш жараёни реалистик романлар мисолида ёзувчининг ижодий-индивидуал услуби ҳамда эпик маҳорати хусусиятларини таҳлил этиш асосида ёритилган;

муаллиф эстетик қарашларини ёрқин акс эттирувчи бадний образ яратиш, типиклаштириш, яъни эстетик идеалнинг муайян давр ва муҳит учун энг характерли жиҳатларини умумлаштириш, бадний воқеликни яратиш принциплари асосида С.Льюис ва П.Қодиров асарлари қисланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги объектга ёндашув ва қўлланилган усулларнинг тадқиқот мақсадига мослиги, назарий маълумотларнинг илмий манбаларга асосланганлиги, таълаб олинган бадний манбаларнинг тадқиқот предметиға мувофиқлиги, назарий фикр ва хулосалар қиёсий-типологик, чопштирма, биографик ва аксиологик таҳлил методлари воситасида чиқарилгани, назарий қарашлар ва хулосаларнинг амалиётға таъбиқ этилганлиги, натижаларнинг вақолатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган хулосалар XX аср америка адабиёти тарихи, XX аср ўзбек адабиёти тарихи ва адабий танқидиға доир тадқиқотларни яратиш, олий таълим муассасаларида ўқитиладиган адабиётшуносликка оид дарслик ва ўқув қўлланмаларини такомиллаштиришға хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган хулоса ва таҳлишлардан ёшлар муаммолари билан шугулланувчи ташкилотлар томонидан ахлоқий кадрнишларни тартибот қилишда, таълим-тарбия билан шугулланувчи муассасалар фаолиятида зарур янги авлод адабиётларини тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XX аср америка ва ўзбек реалистик романларида идеал қаҳрамон образининг тадқиқи бўйича олинган натижалар асосида:

эстетик идеал категориясининг ҳақиқат, згулик ва гўзаллик аспектларини ифодаловчи тасвир воситалари, поэтик усуллар, ижодий индивидуаллик, бадний шакл ва услуб ўзига хослиги муаммолари инглиз ва ўзбек адабиётшунослиги баднийат мезонлари контекстида қиёсий-типологик ёндашув орқали тадқиқ этилиб, идеал қаҳрамон ёзувчининг фалсафий мушоҳадалари ва эстетик қарашларини мужассам этган тимсол эканлиги борасидаги таҳлишлар ва хулосалар Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оила қўлаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридиға «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институтивинг «ЖХБЛ-19» рақамли «Оила маънавиятининг электрон тезарус лугатини яратиш» номи лойиҳаси доирасида, оила маънавиятиға хос бўлган категориялар таърифини ишлаб чиқишда ижодий-

концентуал манба бўлиб хизмат қилган («Маҳалла ва онла» илмий-тадқиқот институтининг 2020 йил 12 декабрдаги 01-09/61-сон маълумотномаси). Натижада тезарус лугатда маънавий-эстетик идеалларни шакллантиришга доир тушунчаларни кенг қамровда изохлаш имконини берган;

идеал қахрамон образини яратишда ҳақиқатни излаш мотиви, бадний таъсир методи, персонаж нутқида романтик пафос; психологик, характерлараро, қахрамон ва мухит конфликтлари ҳамда сюжет қурилишидаги типологик бадний усул ва воситалар макрокомпаративистика тамойиллари доирасида илмий-назарий жиҳатдан далилланганлигига оид илмий натижалардан Тошкент давлат шарқшунослик университетининг И-ОТ-2019-7 – «Умумий ўрта мактаблар учун мўлжалланган 3D-тизмилли интерактив ўқув-методик қўлланмаларни яратиш ва жорий қилиш» (5-синф «Адабиёт» фани учун) номли амалий лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 октябрдаги 89-03-3818-сон маълумотномаси). Натижада ўқув-услубий қўлланмалар мазмунан бойитилган ҳамда маънавий жиҳатдан таъсирчанлиги ошишга эришилган;

бош қахрамонда реалистик ва романтик метод унсурларининг уйғунлиги, умумбашарий ва миллий кадриятлар етакчилиги ва ушбу муштаракликлар типологияси ўзбек ва жаҳон адабиётшунослиги назарий тушунча ва тамойиллари асосида далилланиб, чиқарилган хулосалар Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» доирасида фойдаланилган (Маданият Вазирлигининг 2020 йил 9 октябрдаги 01-12-03-37-78-сон маълумотномаси). Натижада диссертация натижаларининг самарадорлиги ва улар асосида ишлаб чиқилган тавсияларнинг амалиётга татбиқ этилиши юзасидан эришилган ижобий натижалар «йўл харитаси» доирасида ўз аксини топган;

Ғарб ва Шарқ поэтик тафаккури тадрижида Шарқ адабиётшунослиги тарихидаги адабий мезонлар билан жаҳон илм-фанидаги самарали усулларни уйғунлаштирган ҳолда Синклер Льюис ва Пиримқул Қодировнинг эпик қахрамон яратиш маҳорати, муштарак ва фарқли жиҳатлари роман жанри контекстида очиб берилганлигига оид чиқарилган хулосалар ва илмий натижалар Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилаётган «И-ОТ-2019-42» рақамли «Ўзбек ва инглиз тилларининг электрон (Инсон қиёфаси, феъл-атвори, табиат ва миллий тимсоллар тасвири) поэтик лугатини яратиш» номли инновацион лойиҳа доирасида фойдаланилган (Инновацион ривожланиш Вазирлигининг 2021 йил 30 мартдаги 03-15/1723-сон маълумотномаси). Натижада лугат миллий тимсоллар ҳақидаги илмий-назарий асос билан бойитилган;

Синклер Льюис ва Пиримқул Қодировнинг образ яратиш маҳоратида ижодий индивидуаллигини изохлашга оид илмий хулосалар ёш иккодкорлар билан ишлаш бўлими қошидаги «Наср» ижодий тўғараги фаолиятида, ёш

ижодкорлар билан учрашувларда ҳамда бадний асар таржимаси билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда қўлланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2020 йил 24 декабрдаги 01-03-05/1209-сон маълумотномаси). Натижада Синялер Льюис ва Пиримкул Қодировнинг миллий адабиётда тутган ўрни, таълим-тарбиядаги аҳамиятини ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилишга эришилган ҳамда тадқиқот хулосалари роман жанри поэтикаси, бадний таржима муаммоларини кенг таҳлил қилишга асос бўлган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълои қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг доқторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та илмий мақола, жумладан, 6 таси республика ҳамда 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 149 саҳифани ташкил этади.



## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фаён ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий аниқлиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Бадний адабиётда эстетик идеалнинг илмий-назарий асослари» деб номланган биринчи бобида муаллиф эстетик идеалнинг бадний образда акс этиши жараёнида ижтимоий-тарихий муҳитнинг роли, асар қаҳрамонларининг яратилишида ижодий ният босқичининг аҳамияти, идеал қаҳрамон тушунчасининг талқинлари таҳлили ҳамда образ яратишда икки ижодкорнинг муштарақ ёндашувлари сингари масалалар хусусида сўз юритилади. «*Эстетик идеалнинг бадний тимсолда инъикоси илмий-назарий муҳим сифатида*» номли фаслда «Эроусмит» (1925 й.) ва «Уч илдиз» (1958 й.) романлари қаҳрамонларида акс этган муаллиф идеаллари реал ҳаётни асосга эгаллиги, бундай қаҳрамонлар ижтимоий-тарихий муҳит таъсирида вужудга келганилиги таҳлилга тортилди. Шунингдек, бадний тимсолларда муаллиф идеалини акс эттиришда ижодий ниятнинг муҳим босқич бўлганлиги ёритилди. Эстетик идеалнинг бадний тимсолга кўчиши масаласида Т.И.Бендуснинг «*Воплощение эстетического идеала в художественном образе*»<sup>9</sup> номли диссертацияси диққатга сазовор. Олتما замонавий проза мисолида эстетик идеалнинг бадний тимсолга кўчиши жараёнини таҳлил қилган. Тадқиқотдаги асосий хулосалардан бири шуки, эстетик идеалнинг бадний кифога кўчишида ижодий ният боғловчи халқа (опосредствующее звено. Т.И.Бендус) бўлиб хизмат қилади. Бендус бадний асарларни эстетик идеал–ижодий ният–бадний образ триадаси асосида таҳлил қилган.

Ижодий ниятнинг моҳиятини Д.Қуронов шундай эътироф этади, «*яратилажак асарнинг асосий чизгилари, бироз хирарок тарзда бўлса-да, кўзга ташланиб туради, бошқача айтсак, ижодий ният асарнинг санъаткор онгидаги хомаки эскизидир*»<sup>10</sup>. Демак, ижодий ният муаллиф гоҳларини тимсолларга моддийлаштиришда тайёргарлик жараёни бўлиб, ушбу ҳодиса бадний образда ифодаланиши кўзда тутилган эстетик идеалларни ҳам равшанлаштиради.

«*Идеал қаҳрамон – муаллиф эстетик қарашлари ифодаси*» номли фаслда ушбу тушунча ҳақидаги мунозарали фикрлар ва талқинларга

<sup>9</sup> Бендус Т. И. Воплощение эстетического идеала в художественном образе. Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1950. – 145 с.

<sup>10</sup> Қуронов Д. Адабиётшунослик дугони. – Т.: «Академия», 2013. – Б.109.



муносабат билдирилган. Ю.Г. Нигматуллиннинг фикрича, эстетик идеал «Эзувчининг ижтимоий-сиёсий қарашлари, ахлоқий ва эстетик хиссиётлари, ижодкор томонидан миллий-адабий анъана сифатида қабул қилинган даврнинг умумий эстетик идеалларининг ўзаро мураккаб муносабатлари таъсирида»<sup>11</sup> шаклланади. Т. Бобоевнинг эътирофича, 1954–1955 йилларда «идеал қахрамон химоячилари» (А. Протопопова) ва аксинча, ушбу образни бутунлай инкор этувчилар (масалан, А. Белнашвили, В. Кетлинская) бўлган. Т. Бобоев ҳар иккала гуруҳ бундай образнинг асл моҳиятини тушунмаганларини ва вульгарлаштирилган маънода талқин қилганларини эътироф этади. «Адабий мунозарадаги иккинчи босқич 1959 йилдан кейинги бахшлашувлар бўлиб, бунда, асосан, идеал қахрамон тушунчасини тўғри талқин этишга интилиш сезилади»<sup>12</sup>, дея таъкидлайди олим. Фикримизча, мазкур образни «мукаммал», «эталон» образ сифатида талқин қилиниши бадийят қонуниятларига зид, ранг-барангликни чекловчи, схематик, ўғитбоз, сохта, ҳаётдан узилиб қолган образларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Албатта, идеал қахрамоннинг бундай талқини уни санъатга зид ҳодисага айлантиради. Идеал қахрамон образига берилган талқинларнинг яна бир гуруҳи бундай тимсолини «идеал» тушунчаси билан, хусусан, муаллиф идеали билан боғлиқлигига ургу беради. Диссертацияда «идеал қахрамон» тушунчасига шу тарзда ёндашган олимларнинг таърифлари жадвал тарзида берилган. Эстетик идеалнинг олимлар томонидан берилган таърифларига асосланган ҳолда, эътироф этиш жонзки, *идеал қахрамон камчилиги ва нуқсонлардан бутунлай хали инсон образи эмас, балки муаллиф эстетик қарашларини ёрқин ифода этган бош қахрамон образи ҳисобланади*. Идеал қахрамон муаллифнинг ҳақиқат, гўзаллик ва эзгулик ҳақидаги орзуларини аёс эттиради. Н.Г. Чернышевский, В.С. Соловьёв, А.Ф. Лосев, Э.В. Ильенков, Д.И. Дубровский идеалнинг «ҳақиқат», «гўзаллик» ва «эзгулик» каби тушунчалар билан чамбарчас алоқдорлигини эътироф этишган. Тадқиқотимизда, асосан, ижодкорларнинг эстетик идеалига эътибор қаратилди ҳамда идеал қахрамон талқинида идеалнинг уч асосга эгаллиги ҳисобга олинди. «...Платон, Лессинг, Шеллинг, Кант, Кроче, Швейцер, Достоевский, Соловьёв ҳамда замонавий файласуфлар А.В. Гулыга, Л.Н. Столович, Ю.Н. Давыдов, В.Н. Шердаков, В.П. Фетисов фалсафа ва инсон интилишларининг мақсади бўлган чинакам идеални ҳақиқат, эзгулик ва гўзаллик бирлиги ташкил этади, деб ҳисоблайди»<sup>13</sup>. Идеал қахрамон талқинида идеалнинг ушбу жиҳатлари ҳисобга олинди. Айтиш жонзки, идеал қахрамон образининг умумидабий мезонлар нуқтан назаридан баҳолавиши ҳамда ушбу тимсол ҳақида яхлит тасаввур ҳосил бўлиши учун қиссий-типология тадқиқотлар муҳим. Зеро, бундай тадқиқотлар идеал қахрамонга

<sup>11</sup> Нигматулина Ю.Г. Национальное своеобразие эстетического идеала. – Казань: «Казань», 1970. – С. 8-9.

<sup>12</sup> Бобоев Т. Ҳаёт материализдан бадий образ. Ижодий қахрамон проблемасининг билим ҳукуматлари. – Т.: «Фан», 1976. – Б. 20-21.

<sup>13</sup> Паламова Л.В. Этно-эстетический идеал в системе современного философского знания: Дисс. ... канд. филос. наук. – Тула, 2012. – 171 с.

берилган таърифларни бадний асарлар мисолида далиллашга имкон беради. Л. Готтхемнинг илмий ишида ва мазкур диссертацияда илгари сурилган таърифларнинг жадвалда келтирилган бошқа таърифлардан фарқли жиҳати шунда.

С.П. Белокурованинг адабий терминлар лугатида «Эстетик идеал – инсон киффасида, шунингдек, ижтимоий тузумда мужассам бўлган гўзаллик, эзгулик, ҳақиқатнинг энг экори намуvasи»<sup>14</sup>, деб таъриф берилган. Ушбу таърифда эстетик идеалнинг уч аспекти камраб олинган, шунингдек, унинг (санъатда – А.А.) икки хил, яъни инсон тасвири ва ижтимоий тузум шаклида намоён бўлиши таъкидланган. Диссертацияда эстетик идеалнинг реалистик романда инсон киффасида акс этishi ҳамда ушбу тимсолда муаллифнинг ҳақиқат, гўзаллик, эзгулик ҳақидаги орзуларининг инъикос этishi тахлилга тортилган. Илгари сурилаётган таърифда «муаллиф» сўзига алоҳида урғу берилганлигини таъкидлаш жоиз. Сабаби ижодкорнинг шуурдан чуқур жой олган идеалларгина образларга кўчганда, эстетик завқ бера оладиган бадний тимсолларни вужудга келтиради. Идеал қаҳрамон образининг сунъий равишда ижтимоий идеалларнинг тарғиботчисига айлантирилиши умри қисқа асарларнинг вужудга келтирилиши тарих кўп бора исботлаган<sup>15</sup>. Жумладан, ўтган аср ўргатларида совет адабиётининг мафкуралаштирилиши адабий-эстетик имкониятларнинг чекланишига, муайян эталон образларнинг оммалашуви санъатда схематизмнинг барқарорлашувига олиб келган<sup>16</sup>. Албатта, идеал қаҳрамоннинг бундай талқини уни санъатта зид ҳодисага айлантиради.

«*Образ яратили услубида муштараклик*» фасли «Эроусмит» ва «Уч илди» романларида адибларнинг характер яратилишда қўлаган ўхшаш услубий ёндашувлари — образ характерида қаҳрамонлик, улутворликнинг акс этishi, реалистик ва романтик услуб синтези тахлилга бағишланади. Айтиш жоизки, романлар тахлилида услубий муштаракликнинг нафақат шаклий (мотив, бадний воситалар, тил), балки мазмун компонентлари (бадний гоя, эстетик идеал, конфликт) ҳам эътиборга олинади. «Эроусмит» ва «Уч илди» романлари реалистик асар ҳисобланса-да, қаҳрамонларда романтизм эстетик белгилари кузатилади. «Зеро, романтизм адабиётининг қаҳрамони шахсий эркини, инсонийлик шаънини юксак қадрлайди, уларга қарши ҳар қандай ҳаракатта бутун вужуди билан қарши туради»<sup>17</sup>. Шундан келиб чиқиб, романтик белгилар қаҳрамонлик руҳининг бўрттириб кўрсатилишида, бош қаҳрамонларда курашувчанликнинг устуворлигида, асар конфликтини икки бир-бирдан фарқли кутблар кураши асосига

<sup>14</sup> Белокурова, С.П. Словарь литературоведческих терминов. – СПб: Паритет, 2006 // [Электронный ресурс] <http://gramma.ru/LIT/?id=3.0&page=1&wd=%C8%C4%C5%C0%CB%20%D0%DD%D1%D2%CS%D2%CB%D7%CF%D1%CA%CB%CF%8b%v=%CE>

<sup>15</sup> Бу ҳақда қаранг: <https://cyberleninka.ru/article/n/soediny-paroy-ii-idealnaya-lichnost-literaturnaya-politika-v-kaz-1961-1975-godah/viewer>

<sup>16</sup> Бу ҳақда қаранг: Мирзеева Э. XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрнатилиши: монография / Э. Мирзеева; ЎзР ФА Адабier Назoий йонимдаги Тил ва адабиёт институти. – Т.: «Фан», 2011. – Б. 183-190

<sup>17</sup> Қурoнов Д. Адабиётшуновлик дугати. – Т.: «Академизар», 2013. – Б. 260.

қурилишида, персонажларнинг портретларидаги индивидуал хусусиятларнинг муайян даражада оширилиб, идеаллаштириб тасвирланишида, қаҳрамонлар руҳий оламининг лирик планда берилишида ҳам кузатилади. Ҳар икки роман ҳам, аввало, катта ҳаётга кириб келаётган ёш авлодда касбга содиқ қолиш, фидоилик, жамиятга сидқидилдан хизмат қилиш, ижтимоий бурч каби ҳисларни уйғотишга йўналтирилган. Романтик образлар типологиясининг В. Г. Белинский таснифига асосланиб, «Эроусмит» ва «Уч илдиз» романиларининг марказий характерлари – Мартин ва Маҳкамда «олий романтик қаҳрамон»га хос жиҳатлар мавжудлиги далилланди. «Уч илдиз» романида Очил образи характеристикасининг «сентиментал романтик қаҳрамон» таснифига мувофиқ келиши изохланди. Демак, миллий адабиётимизда йигирманчи асрнинг эллингичи йилларида реалистик прозада романтик унсурлар тарихий давр нуқтаси назаридан фаол бўлганлигини тасдиқлайди. Бу омиллар ушбу ҳодисани типологик таҳлил қилиш имкониятини яратди.

Диссертациянинг иккинчи боби «Эроусмит» ва «Уч илдиз» романиларида идеал қаҳрамоннинг ҳақиқат, эзгулик ва гўзаллик аспектилари» деб номланган бўлиб, ушбу бобда киёсий тадқиқот предмети икки роман қаҳрамонлари мисолида ўрғанилган. Бобнинг икки фаслида образларда ҳақиқат, эзгулик ва гўзаллик каби категорияларнинг ниймикос этишидаги муштарак усул ва воситалар ҳақида сўз борса, учинчи фасл, акенгча, тафовутлар таснифига бағишланган. «*Ҳақиқатни излаш – сюжетни ҳаракатга келтирувчи мотив сифатида*» номли фаслда таҳлилга тортилаётган асарларда ҳақиқатни излаш мотиви тўғрисида сўз боради. Асарларда сюжет воқеалари мазкур мотив воситасида олдинга силжиди, бош қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари ҳам ушбу мотив билан чамбарчас боғлиқ. Ҳақиқатни излаш мотиви икки романининг сюжет қурилишида мотив-ҳаракат (Б. Путилов<sup>14</sup>) сифатида муайян вазифага эга. Мазкур мотивнинг таҳлили асар сюжетини изчи қозатишни талаб қилганлиги боис, ушбу фаслда воқеалар байнига кўпроқ ўрин берилди. Веселовский бошлаб берган тарихий поэтиканинг<sup>15</sup> аъъанавий талқинига кўра, мотив, аввало, такрор. Шунинг айтиши жонзқи, такрор дейилганда, асосан, воқеабанд асарларда схематик тарзда учровчи семантик-функционал такрор кўзда тутилади. Мотивнинг маъновий диапазонлари замонавий адабиётшуносликда кенгайиб бормоқда. Ушбу тадқиқотда мотивнинг такрор сифатидаги вазифасига эътибор қаратилади.

Ёш бактериолог олим Мартин Эроусмит «Эроусмит» романининг бош қаҳрамони бўлиб, асарнинг номи сюжет йўналиши, асосан, шу қаҳрамон билан боғлиқлигини кўрсатади. Яъни Сиклер Льюис айтмоқчи бўлган бош ғоя – Мартин босиб ўтган ҳаёт йўлига сингдирилган. Роман сюжети кўп

<sup>14</sup>Путилов Б.Н. Мотив как сюжетостроительный элемент // Типологическое исследование по фольклору. Сборник статей в память В.Я. Проппа. – М., 1975. – С. 141-155.

<sup>15</sup>Веселовский А. Н. Историческая поэтика. – М.: «Высшая школа», 1940. – 498 с.



тармоқли, мураккаб тузилишга эга бўлиб, воқеалар кетма-кетлиги хроникал кечади. Асарнинг экспозиция қисмида Док Вилерсон Мартинга тинмай изланишни насиҳат қилиб, унга заррабин совға қилади. Иқодкор ушбу деталга улкан гоаявий ва рамзий маъно юклайди. Заррабинни олган Мартин бутун ҳаётини ҳақиқатни излашга бағишлайди. Роман сюжетини ҳаракатга келтирувчи конфликтлар ҳам, асосан, Мартин Эроусмит ҳақиқати билан бошқаларнинг ҳақиқати ўртасидаги зиддиятдан келиб чиқади.

Пиримқул Қодировнинг «Уч илдиэ» романида ҳам сюжетнинг ўхшаш мотив асосида қурилганини кузатиш мумкин. «Уч илдиэ» романи сюжетини, асосан, икки қаҳрамон – Маҳкам ва Очил линиялари етакчилик қилади. Улар воқеалар ривожини мобайнида ҳаётга теран нигоҳ билан қарайдиган, жамият манфаати учун бутун кучини сафарбар қиладиган, фикрловчи шахсларга айландилар. Маҳкам, Очил, Акбаров ва Тошевларнинг бутун ҳаракатлари қалбаки «ҳақиқатпарварлик»ни фоти этишга қаратилган. Маҳкам *ҳаётда ҳақ ва ноҳақни, рост ва ёлғонни, ҳаққонийлик ва қалбақчиликни тўғри фарқлаш*<sup>20</sup> [II; 199-б.], уларга тўғри баҳо бериш анча мураккаблигига иқдор бўлади. Ҳақиқатга хизмат қилаётган қонуналарнинг орқасида миллионлаб инсонларнинг хизмати, изчил курашлари туради. Демак, бош қаҳрамонлар Мартин ва Маҳкамнинг икки йўл ораллигида қолганлиги, ҳақиқатни билиш истиқолида шиддатли кураши, сюжет воқеалари жараёнида ўз йўлини, ўзлигини топганлиги образлар характердаги муштарак жиҳатлар сифатида намоён бўлади. Икки роман бош қаҳрамонлари ҳақиқат изловчи зиёли сифатида муаллифнинг ҳақиқат ҳақидаги қарашларини намоён этдилар. Шунингдек, С. Льюис ва П.Қодиров ҳақиқат борасидаги адабий-эстетик қарашларини мотив воситасида моҳирона рўёбга чиқаришган. Ҳақиқатни излаш мотиви асарлар сюжетини бошқарувчи куч сифатида турли воқеалар қатламларида такрор учрайди, уларни гўёки бир «ш»га тизимлаштиради.

«Гўзаллик ва хунуқлик диалектикасида идеал қаҳрамон» номи билан «Эроусмит» ва «Уч илдиэ» романлари қаҳрамонлари образларида муаллифнинг гўзал, баркамол инсон ҳақидаги қарашлари қандай тасвирланганлигига эътибор қаратилади. Адиблар воқеликни идеал қаҳрамонларнинг зоҳирий ва ботиний оламлари мисолида ижодий қайта яратди. Асарларда гўзаллик ва хунуқлик доимий алоқадорликда тасвирланади. «Эроусмит» ва «Уч илдиэ» романларида идеал қаҳрамонлар образида муаллифларнинг гўзаллик ва эзгулик ҳақидаги тасаввурлари уйғунликда акс этган.

Мартин ва Маҳкам образлари баркамолликка муттасил интилишлари билан ажралиб туради. С. Льюис Мартинни нечоғли олижаноб фазилатлар билан тасвирламасин, чин реалистик асарга хос эстетик белгилардан

<sup>20</sup> Қодиров П. Уч илдиэ. – Т.: «Узбекистон», 1958. – 456 б. Роман II романи билан белгиланиб, бетлар нўмбарлари юқори қисми берилган.



оғинмайди. Асарда Мартиндаги қусурлар ҳам ҳаққоний ақс этади. Мартин тимсолида ўтган аср Америка жамиятининг ёш, зиёли қатламига хос типик хусусиятлар ҳам моҳирона ва ишонarli сингдирилган. Льюис Мартин руҳий дунёсининг барча қирраларини борича кўрсатади: унинг ўзига танқидий муносабатини, оний ожизликларини, фикрий оғинларини ҳам бевосита кузатамиз. Кадр топмаган, тушқунликка тушган Мартин ҳалоллик ҳақидаги эътиқодидан чекинмишгача бориб этади. Унинг лаҳзали давом этган ожизлик ҳаёлларини муаллиф тиниқ тасвирлашга эришган. Қодиров Маҳкамнинг таъсирга берилувчанлигини, муайян вазиятларда ҳатто кўрқоклигини, ҳодисаларни юзаки баҳолашини китобхондан яширмайди. Натисжада, кўз олдимда чуқур руҳият дунёсига эга, жонли шахс образи намоён бўлади.

С. Льюиснинг эгу ахлоқий фазилатлар ҳақидаги қарашлари, айниқса, Готлиб ва Санделиус образларида кўпроқ ақс этган. Санделиуснинг портретини чизар экан, Льюис унда бошқа образларда бўлган ижобий хусусиятларни мужассамлаштиради, унда «...Готлибнинг чуқур донишмандлиги, декан Сильванинг доимий меҳрибонлиги, Террининг муросасиз тўғривўзчилиги»<sup>21</sup> намоён бўлади. Бироқ Санделиуснинг ўзлигини ақс эттирадиган энг ёрқин жиҳат унинг «улкан маънавий бойлик» [I; 353-6.] соҳиб эканлигида. У ҳар доимгидек дунёни балон-қазолардан тозалаш лойиҳалари билан банд, мана уйқу касаллига ҳақидаги мақоласини ёзиб тугатгани, «Нью-Йоркда тротик касалликлар институтига асос солади» [I; 353-6.].

«Уч илдиз» романида тарихчи олимлар Тошев ва Акбаров образларида ҳам муаллифнинг юксак ахлоқли шахс ҳақидаги қарашлари ақс этади. Маҳкам тилидан Акбаровга шундай таъриф берилади: «Дунёда шундай одамлар борки, бир эсга олсангиз, қўнглингиз чироқдай ёруғ бўлиб кетади» [II; 186-6.].

Тошев портретида П. Қодиров мушоҳада тиниклигига, глобал тафаккур килиши қобилиятига урғу беради. Акбаров тасвирида эса унинг миллий тарихга эҳтироми, латиф шоирона нотиклиги, ёш авлод тарбиясига жонқурлиги алоҳида таъкидланади. Шунга айтиш жоизки, Тошев ва Акбаров тимсолларидаги гўзаллик, комиллик Ҳакимов ҳамда унинг тарафдорлари билан муқоясада кўпроқ юзага чиқади.

Ҳар бир жамият тарихий-ижтимоий тараққиёт даражаси, миллий-маданий қадриятлар тизими, географик муҳитидан келиб чиқиб, ўз идеалларига эга бўлади. Икки ижтимоий маконнинг идеаллари, албатта, бир хил бўлиши мумкин эмас. Бироқ турли халқларни бирлаштириб турувчи шундай умуминсоний қадриятлар борки, улар бадиий образларга қўчганида типологик ўхшаш адабий ҳодисалар вужудга келади.

<sup>21</sup> Lewis S. Aronson. – Canada, Harper Perennial Classics, 2012. – P.352. Дилорғида романини илтироғини тарқатар тараққоси муаллифга тилгани. Роман I рақам билан белгилаиб, бетиёр ёрғирури ақс итди берилди.

*«Характер яратмида умумбашқарий ва миллий қадриятлар ўзига хослиги»* деб номланувчи фаслида ҳар икки роман қаҳрамонлари характеридаги тафовутли жиҳатлар аниқланган. Таҳлил этилаётган романлардаги идеал қаҳрамонлар образларида ҳақиқат, эзгулик, гўзаллик каби умуминсоний қадриятлар типологик ўхшашликларга асос бўлса, образлар орқали миллий қадриятларнинг инъикос этиши тафовутли жиҳатларни вужудга келтиради. Миллий менталитетдан, индивидуал дунёқарашдан келиб чиқиб, муайян қадриятга алоҳида ургу бериллади. Ижодкорнинг идеал қаҳрамони йиллар давомида шаклланган қарашлар, қадриятлар, таъсирлар махсули сифатида намоён бўлади. Демак, идеал қаҳрамон образида миллий-маданий қадриятлар ва ёзувчининг муайян даврдаги қарашлари акс этади. Ижодкорнинг образ яратишга асос бўлган эстетик идеаллари терең иддиаларга эга бўлиб, ёзувчининг шахс сифатида шакллантирган омиллари ҳисобга олишни талаб этади.

Шунинг айтиш жоизки, «Эроусмит» романининг прологиди ҳам бош қаҳрамон характериини очишга хизмат қилган муҳим эпизод учрайди. Чунончи, ёзувчи ривожни ҳамин ярим саҳифадан иборат бўлган ҳикоя билан бошлайди. Оғайоннинг кучук ўрмонлари-ю, ботқоқли чўлларидан чайқалиб бораётган фургонни ўн тўрт ёшли, ямоқ кўйлакли киз бошқаради. Яқинида онасини тупрокка топширган киз бир тўда ука-сингилларига ҳамда харорат оташида ётган бемор отасига ғамхўрлик қилмоқда. *«Эми, Цинциннатига буришни қил, у ерда Эд амакингни топсақ, униқиди қаласизлар»*, деб айтади отаси [1; 6-б.]. *«Бизни деч қим қабул қилмайди. Олдинга, бошимиз оққан томонга қараб кетамиз. Ғарбга! Мен кўп янги нарсақарни кўраман!»*, деб жавоб беради киз. Сўнг муаллиф кизни кечки овқатни тайёрлаб, болаларни ухлатиб, гулхан строфида узок ҳаёлга чўмганини қайда этади ҳамда *«бу Мартин Эроусмитнинг катта буви си эди»* [1; 6-б.], дея икзоҳ беради. Кўринадики, ёзувчи қаҳрамон характеридаги асосий хусусиятларни очишни прологданок бошлайди. Илк америкалик чегара кўчкнччиларига хос журъатлилик, ўз кучига таяниш, янгиликка ташналик Мартин Эроусмит образида мужассам бўлишига асар бошиданок ишора қилинади. Назаримизда, асарлар ечимида С.Льюис қаҳрамонларининг шахсий эрқа интилиши, П.Қодиров қаҳрамонларининг эса жамоа билан биргаликдаги фаолиятининг улуғланиши миллий-маданий омиллар ҳамда муаллифлар ижодининг муайян босқичидаги қарашлари билан боғлиқ.

Диссертациянинг «Синклер Льюис ва Пиримқул Қодиров ижодий маҳоратида уйғунлиқ» сарлавҳали учинчи бобида икки адабнинг образ яратиш маҳоратига алоҳида эътибор қаратилган. *«Идеал қаҳрамон нутқида романтик пафоснинг аҳамияти»* деб номланган фаслда қаҳрамон нутқининг эзгу ғояларни акс эттиришда бадний усул сифатида қўлланилганлиги таҳлил этилади. С.Льюиснинг «Эроусмит» романи ўзбек адабиётининг йирик реалисти Пиримқул Қодировнинг «Уч илди» романи билан муқоёса қилинар экан, икки асарнинг тил хусусиятларида ўхшаш нукталар аниқланди. Мазкур

фаслда лисоний муштаракликлар билан биргаликда, фаркли жихатларга ҳам эътибор берилди. Ҳар икки роман қаҳрамонлари нутқда кўтаринкилик алоҳида аҳамият касб этади. Назаримизда, қаҳрамонлар нутқидаги романтик пафос бир нечта максалларга, биринчидан, образлар маънавий дунёсини очишга; иккинчидан, муаллифнинг ҳақиқат, эзгулик, гўзаллик ҳақидаги қарашларини акс эттиришга; учинчидан, бадийий гоининг рўёбга чиқишига хизмат қилган.

Готлибнинг олимлар ҳақидаги нутқда ҳам муаллиф қарашлари кўтаринки пафос билан берилади. Готлиб образи, асосан, нутқи орқали рўёбга чиққан. Готлибнинг ҳақиқий фан фидойиси эканлигига унинг Мартин билан қилган диалогларида гувоҳи бўламиз.

